

Муайян жинсдаги ва ёшдаги ёввойи ҳайвонларга нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги

Установленные запреты на охоту в отношении диких животных определенного пола и возраста

Established bans on hunting for wild animals of a certain sex and age

Муайян жинсдаги ва ёшдаги ёввойи ҳайвонларга нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” 2016 йил 19 сентябрдаги 408-сонли Қонунининг 35-моддасида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қарорига кўра балиқларнинг урчиш даврида балиқ овлашни амалга оширишни тақиқлаш муддатлари белгиланиши кўрсатилган.

Давлат экология қўмитаси томонидан балиқ ресурсларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ҳар йили балиқларнинг урчиш даврида республиканинг барча табиий сув ҳавзаларида балиқларни саноат мақсадида овлашга тақиқ ўрнатилади.

Юқоридаги барча масалалар бўйича Давлат экология қўмитаси томонидан Фанлар академияси (*2021 йил 5 июлдаги 03-06-351-сон*) ҳамда Ўзбек овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасига (*2021 йил 2 августдаги 03-03/1-1036-сон*) хат билан мурожаат қилинган.